



30-август 2022йил

Наманган 2-тиббиёт коллежининг булим ва хизматларда фойдаланиш учун куйдаги курсатилган махсулотларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхонани саралаш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### 1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи Наманган 2-тиббиёт коллежи  
Ташкилий-ҳуқуқий шакли укув юрти, коллеж  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,  
Янги Наманган туман Гузал даха 14-уй  
Директор: Э.Т.Мадхаликов

1.2. Наманган 2-тиббиёт коллежининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Наманган 2-тиббиёт коллежининг ташки ховлисида футбол майдони қуриш ишларини 507839190 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириққа иловада рус тилида келтирилган.

### 2. Танлов мақсади.

2.1. 1. Наманган 2-тиббиёт коллежининг ташки ховлисида футбол майдони қуриш ишларини бажариш.

### 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

### 4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;
- Мавжуд техникалари, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;
- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлса;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган бўлса;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда банк муассасаларидан олинган ва туланмай турган кредит маблағлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

## 5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

## Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган 2-тиббиёт коллежининг ташқи ховлисида футбол майдони куриш ишларини бажариш	Бюртмачининг талаби асосида